

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИБН СИНО ЖАМОАТ ФОНДИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИКАДА ИННОВАЦИЯЛАР

V ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАҚОЛАЛАР ТўПЛАМИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО И ИННОВАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКЕ

СБОРНИК V МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

ТОШКЕНТ - 2022

Тахрир хайъати

Раис: тиббиёт фанлари доктори К.С. Ризаев

Аъзолари:

Н.С. Нормахаматов - кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

М.Т. Муллажонова - фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Н.А. Махмудов - Ибн Сино жамоат фонди Бошқарув раиси

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР АСОСИДА ҚОН БОСИМИНИ ПАСАЙТИРУВЧИ ВА ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ТАЪСИРГА ЭГА ТИНДИРМА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Пазилбекова З.Т., Отажонова М.О.

Тошкент фармацевтика институти
e-mail: pazylbekova76@mail.ru, тел. (93)811-58-68

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.2022 йилдаги ПФ-55-сон фармонида мувофиқ 2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришда аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш мақсадида республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболли маҳаллийлаштирилган доривор ўсимликлар маҳсулотлари ҳамда улардан олинадиган янги дори шакллари технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Республикада таъбиот оламида шифобахшлиги жиҳатидан олдинги ўринларда турадиган арслонқўруқ ва кийик ўти ўсимликлари халқ таъбиотида кенг қўлланилиб келинган ўсимликлардан ҳисобланади. Илмий таъбиотда кийик ўти ўсимлиги таркибида таркибида 2,5 фоизгача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари мавжуд бўлиб, дамламаси юракнинг иш фаолиятини яхшилашда, артериал қон босимини пасайтиришда, ҳамда пешоб ҳайдовчи дори воситаси сифатида кенг қўлланилади. Арслонқўруқ ўсимлигининг таркибида эса флавоноидлар, ошловчи моддалар, камрок алколоидлар, бир оз эфир мойи, витамин С ва бошқалар бўлиб, доривор препаратлари тинчлантирувчи восита сифатида гипертония, асаб қўзғалиши ва баъзи юрак касалликлари (юрак неврози, кардио-склероз)ни даволаш учун ишлатилади.

Мақсад. Маҳаллий шифобахш кийик ўти ва арслонқўруқ ўсимликлари хом ашёси асосида юракнинг иш фаолиятини яхшиловчи, артериал қон босимларини пасайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, ҳамда тинчлантирувчи таъсирга эга, ичиш учун қулай мураккаб таркибли тиндирмалар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олинди.

Усул ва услублар. Арслонқўруқ ва кийик ўти хом ашёларини хар хил майдалиқ даражаларида, хом ашё ва ажратувчи нисбати 1:5, ажратувчи сифатида хар хил қувватли (40%, 60%, 70%) этил спирти ёрдамида мацерация, перколяция ва реперколяция усулларида тиндирмалар олинди.

Натижалар. Олинган тиндирмалар ташқи кўриниши бўйича тиник, таркибидаги хом ашёларга тегишли бўлган маза ва ҳидга эга ажратмалар бўлиб, спирт қуввати ёки зичлиги, қуруқ қолдик, оғир металллар, ва таъсир этувчи моддалар миқдори Давлат фармакопеяси ва меъёрий техник ҳужжатларларда келтирилган усуллар асосида ўрганилди.

Хулосалар. Маҳаллий доривор ўсимликлар-кийик ўти ва арслонқўруқ хом ашёси асосида артериал қон босимини пасайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, ҳамда тинчлантирувчи таъсирга эга, мураккаб таркибли тиндирмалар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, аҳолини сифатли ичиш учун қулай ҳамда ноҳужия таъсири кам бўлган, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашда ёрдам беради.

PISUM SATIVUM PO'STLOQ QISMI UGLEVODLARI

Samandarova Z.Y.¹, Eshbekov A.E.¹, Malikova M.Kh.²

¹Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti

²S. Yu. Yunusov nomidagi O'simlik moddalari kimyosi Instituti

e-mail: zarifasamandarova0105@gmail.com ; +998977182272

Pisum sativum (no'xat)- Fabaceae oilasiga mansub bir yillik o'simlik bo'lib, butun dunyo bo'ylab urug'lari (mevasi) uchun yetishtiriladi.

Pisum sativum po'stloq qismi moddalari tarkibidagi moddalarining antibakterial, diabetga qarshi, oshqozon yallig'lanishiga qarshi, antioksidant faolligi borligi, shuningdek saratonga qarshi xususiyatga ega ekanligi adabiyotlarda ko'rsatilgan.